Фарғона вилояти:

# ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ




## «ОЛИМПИАДАЧИЛАР ҚИШЛОҚДАН ЧИҚАДИ»

***-- Туман раҳбарининг иш куни одатда қишлоқ хўжалигига оид турли маълумотларни кўздан кечиришдан бошланади, -- дейди Учкўприк тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Акрамжон ЙЎЛБАРСОВ***



Сўнгги йилларда мен бу «анъана»дан воз кечганман. Чунки туманда агросаноат тизими ўз оқимига тушиб олган. Деярли ҳамма соҳаларда иш қатъий режа асосида олиб бориляпти.

Шунинг учун бўлса керак, эрталаб хизмат хонамга киришим биланоқ, жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг маълумотлари билан танишаман. Вилоятнинг иккинчи лигасида туман шарафини ҳимоя қилаётган «Зафар» футбол жамоаси сафарда қандай ўйнади, республика мусобақаларида иштирок этаётган учкўприклик спортчиларнинг натижалари қандай бўлди? Мени дастлаб ана шулар қизиқтиради. Авваллари баъзилар учун бу эриш туюлган эди. Хайриятки, жисмоний тарбия ва спортнинг турмушимизда, ҳаётимизда тутадиган бебаҳо аҳамиятини бошқа раҳбарлар ҳам тез орада тушуниб етишди. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакат шуҳратини оламга спортчалик кенг ёядиган тармоқ йўқ.

Шу йил баҳорда юксак талабларга жавоб берадиган «Амир Темур» ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Бу ерда кураш, оғир атлетика, сузиш мусобақаларини ўтказиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Уйингоҳ қошида ташкил этилган 2 та спорт мактабида 700 дан зиёд ёшлар ўз маҳоратларини оширишмоқда.

Зеро, спортга эътибор -- келажакка эътибор, демакдир. Бунинг самараси ўлароқ, кўпгина истеъдодлар кашф этилмоқда. Енгил атлетикачи Отабек Эгамбердиев республикамиз терма жамоаси аъзосидир. У нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, туманимиз довруғини оширмоқда. Ёш дзюдочилар Зоҳиджон Жўраев, Дониёр Раззоқов, Жаҳонгир Мадраҳимов, Шерзод Тўйчиевлар ҳақида ҳам фахр билан гапирсак арзийди.

Туманимизда, айниқса, спортнинг футбол турига қизиқиш катта. «Зафар» клубини вилоятимиздан ташқарида ҳам яхши билишади. Вилоят биринчилигида қатнашаётган жамоамизнинг мухлислари бисёр. Учрашув ва мусобақалар ҳақиқий спорт байрамига айланиши шундан далолат беради. Қисқа қилиб айтганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорини бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Футбол бўйича туман биринчилиги мунтазам ўтказиб турилибди. Мусобақаларда 16 жамоа иштирок этаяпти.

Мақсадимиз халқ турмушига спортни дадил олиб кириш, ёшларни бу соҳага кенг жалб этиш орқали бўлажак олимпиадачиларни тарбиялаб вояга етказишдир.

**Фарғона вилоятига бағишланган материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Н. СОБИР, Н. ТОШЕВ ва Т. ҲАМРОҚУЛ (суратлар) тайёрлашди.**

● *1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

## ПОРТФЕЛ МУБОРАК, БОЛАЖОН!



***Мустақиллик байрамини ўтказиб, эртаси куни ишга келаётганимда, кўчаларни тўлдириб кетаётган болалар оқимига дуч келдим. Ҳаммасининг юзида хурсандчилик уфуриб турибди. Бу -- табиий эди, албатта. Чунки кеча байрамларнинг улуғи -- Мустақиллик байрами нишонланган бўлса, бугун байрам байрамга уланган кун -- янги ўқув йилининг бошланиши эди.***

Айниқса, елкасига чиройли портфел осиб олиб, биринчи синфга бораётган болаларнинг қувончи ўзгача. Чунки бу чиройли портфеллар, уларнинг ичидаги ўқув қуроллари биринчи синф ўқувчиларига давлатимиз томонидан ҳадя қилинган.

Бир-икки кун олдин юқори синфда ўқийдиган қизимга ўқув қуроллари сотиб олганим эсимга тушди. Ҳозирги бозор шароитидаги нарх-наво барчамизга маълум. Оддийгина, энг зарур нарсаларни харид қилганимизда ҳам, барибир, нархи анчагина «чақади». Шундан, тахминий ҳисоб-китоб қилдим: бу болаларнинг елкасидаги портфелу



унинг ичидаги ўқув қуролларининг нархи энг камида ўн минг сўм эди...

Тахминий ҳисоб-китобда давом этдим. Бу йил қарийб олти юз қирқ минг бола биринчи синфга борар экан. Шунча боланинг ҳар бирига сарф қилинган камида ўн минг сўмни жамлаганда қанча пул бўлади? Ҳисоб-китобда анча нўноқлигим, шунинг учун барча ҳисоб-китобим тахминий бўлаётганидан ҳам, бу саволимга аниқ жавоб тополмаганимни сезган бўлсангиз керак...

Ҳалиям, камхарж оилаларнинг фарзандларига қишки кийим ҳам ҳадя қилинишини айтаётганим йўқ...

Мустақиллик байрамининг эртаси куни бу воқеанинг юз бериши бежиз эмас, бу воқеа бевосита Мустақиллик байрами билан узвий алоқада, тўғрироғи, Мустақиллик инъом этган неъматлардан бири эди.

Атиги олти йил ичида норасидалик даврини ўтиб, йигитлардек оёққа туриб олган, халқимизга ўзини қайтадан таниш имкониятини, тарихий қадриятлари, буюк аждодларини қайтариб берган Истиқлолимиз сардори -- Президентимиз 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, олти йилнинг ҳар бирида босқичма-босқич равишда юз бераётган тарихий воқеалар Президентимиз йўлбошчилигидаги республика раҳбарияти фаолияти Истиқлолни туб маънода англаб, уни ҳар томонлама камолга етказишга қаратилганидан далолат бериб турибди.

1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ҳам тасодифий ҳол эмас, пухта тайёрланган ҳолда узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсатнинг изчиллиги белгисидир.

Сиёсати энг бошиданоқ аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган давлатимиз жисмонан, яъни иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олгач, маънавий жиҳатдан ҳам ана шу даражага етиш йўлига кирди. Бу йилнинг шиори, бу шиор бўйича қилинаётган ишлар шуни кўрсатиб турибди.

Яқинда, Мустақиллик байрами арафасида Олий Мажлисимиз миллий таълим дастурини қабул қилди.

Ундан сал олдин Вазирлар Маҳкамасининг ўқитувчилар моддий шароитини яхшилашга қаратилган қарори чиқди...

Булар -- Инсон манфаатлари йилида инсон манфаатлари йўлида қилинган, қилинаётган кенг миқёсдаги ишлардан намуналар, холос...

Ҳадя қилинган портфел кўтарган болаларга қайтайлик.

Шу ҳол, шу манзаранинг ўзи мустақиллигимизни қадрлашимизни, янада ардоқлашимиз, асраб-авайлашимизни тақозо этади. Бу фикрни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ҳадя қилинган портфел кўтарган болалар эса, истиқлолимизнинг тенгдоши. Яъни, бизнинг ҳаётимиз, ҳаётимиз мазмуни, келажагимиз.

Портфел муборак, болажон, у сенга тарихий кундан эсдаликкина эмас, умрингнинг мазмуни, келажагинг, бахт-саодатинг, уни авайлаб-асрагин, унга муносиб бўлгин, болажон.

**М. ХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

● *ЖАРРОҲЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

***Академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази қизилўнгач ва ошқозон жарроҳлиги бўлимининг раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуҳаким Ҳожибоевнинг маърузаси жарроҳларнинг 37-халқаро конгресси олий мукофоти - махсус кумуш медалга сазовор бўлди. Олимга Халқаро жарроҳлар уюшмасининг шаҳодатномаси ҳам топширилди ва у мазкур ташкилотга аъзо бўлиш ҳақида таклифнома олди.***

Конгресс Мексиканинг жаҳонга машҳур Акапулко курортида бир ҳафта давом этди. 83 мамлакатдан 1240 нафар етакчи жарроҳ олим қатнашган мазкур анжуманда МДҲ мамлакатларидан Ўзбекистон билан Россия вакилларигина иштирок этди.

Академик В. Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази олимларининг қизилўнгач касалликларини замонавий микрожарроҳлик техникаси воситасида даволаш соҳасидаги янги ишланмаси жаҳоннинг етакчи жарроҳларида катта қизиқиш уйғотди.

-- Бундай конгресс икки йилда бир марта ўтказилади, -- дейди Абдуҳаким Мўминович. -- Унга ўзбекистонлик олимлар биринчи бор таклиф этилди. Бошқа мамлакатлардаги касбдошлар билан мулоқот бизнинг жарроҳлик фанимиз анча юқори даражада эканини кўрсатди. Бундан ташқари, анжуманда республикамиз ва Марказий Осиё минтақасидаги етакчи илмий-методик ва даволаш муассасаси бўлган Жарроҳлик илмий марказимизнинг бир қанча тадқиқотлари ва амалий ишланмалари илмий қийматга эга бўлиб, амалий тиббиётда кенг қўлланилиши лозимлиги эътироф этилди.

Жарроҳликнинг ривожланиши янги технологияларга асосланади, -деб давом этади олим. -- Марказимизда энг замонавий тиббий

ускуналардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунга кўп жиҳатдан давлатимизнинг ёрдами ва мадади билан эришдик. Айни шу ёрдам ва мадад туфайли ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар ҳамда мутахассисларимиз кўрсатадиган жарроҳлик ёрдамининг барча тури юқори даражада бўлиши таъминланмоқда.

**Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**


# Радиотелефон

## SP-R916 900MHz

**Кенгайиши - 4 та трубкагача. Интерком. 12 разрядли ЖК дисплей. Фойдаланиладиган каналларнинг диапазони кенг. Рақамли пароль. Таъминот батареясининг ҳолати индикацияланади. Кириш белгилари қопқоқни очмай қабул қилинади. Хотираси 21 рақамигача. Товушлар танлаб қайта узатилади. Охирги номер такрорланади. Кенгайиш трубкалари автомат усулда номерланади. Таъминот батареяси қуввати тугаётганидан огоҳлантиради. Сигнал етиб бора оладиган зонадан ташқарига ўтилганлиги ҳақида огоҳлантиради. База блоки конструкцияли - деворга осилади, столга қўйилади.**

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | «Эскижўва»кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | «Мустақиллик»кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |



Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG


## «ДИЁНАТ» – ҲАММАГА АТАЛГАН ГАЗЕТА

Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таъсис этган янги газетага «Диёнат» деган ном берилди. Газета саҳифаларида турмушнинг барча соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлайдиган органларнинг фаолияти кенг ёритилади.

Янги нашр кенг газетхонлар оммаси учун мўлжалланган. Муассис ва журналистларнинг асосий мақсадларидан бири аҳолининг юридик саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш учун амалдаги қонунлар ва яқинда қабул қилинган янги қонунларни тушунтириб беришдан иборат.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**«ВАТАН ЛТД» кўп тармоқли аудиторлик фирмасининг муҳр ва штампи йўқолганлиги сабабли 1997 йил 31 июлдан эътиборан бекор ҳисобланади.**

ТошДУ қошидаги олий педагогика институти жамоаси институтнинг фалсафа кафедраси мудири, профессор Ў. Ҳайдаровга оналари

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТошДУ қошидаги олий педагогика институти жамоаси институтнинг физика-математика кафедраси кабинет мудири Ф. Раҳимовга оталари

**САИДНАЗАР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти раҳбарияти ҳамда жамоаси «Қурилиш механикаси» кафедраси ассистенти Дилшод Усмоновга отаси

**Умар УСМОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 133-57-34;*
*Хатлар 133-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60;*
*Тунги муҳарририят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.**
**Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўстов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.10 1 2 3 4 5 6